

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.06/2025.27.12.Tib.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШАВДИРОВА ГУЛБОНУ МАНСУРОВНА**

**ЭРТА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА АНТИБИОТИК БИЛАН БОҒЛИҚ**  
**ДИАРЕЯЛАР: ХАВФ ОМИЛЛАРИ, КЛИНИК-ЛАБОРАТОР КЕЧИШ**  
**ХУСУСИЯТЛАРИ, ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ**

**14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2026**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Шавдирова Гулбону Мансуровна**

Эрта ёшдаги болаларда антибиотик билан боғлиқ диареялар:  
хавф омиллари, клиник-лаборатор кечиш хусусиятлари,  
даволаш ва профилактикаси ..... 3

**Шавдирова Гулбону Мансуровна**

Антибиотико-ассоциированное диареи раного возраста у детей:  
фактора риска, клиничко-лабораторного особенности течение,  
лечения и профилактика ..... 23

**Shavdirova Gulbonu Mansurovna**

Antibiotic-associated diarrhea of young age in children:  
risk factors, clinical and laboratory features,  
treatment and prevention ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 48

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.06/2025.27.12.Tib.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШАВДИРОВА ГУЛБОНУ МАНСУРОВНА**

**ЭРТА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА АНТИБИОТИК БИЛАН БОҒЛИҚ**  
**ДИАРЕЯЛАР: ХАВФ ОМИЛЛАРИ, КЛИНИК-ЛАБОРАТОР КЕЧИШ**  
**ХУСУСИЯТЛАРИ, ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ**

**14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2026**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.2.PhD/Tib4541 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.sammu.uz](http://www.sammu.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Раббимова Дилфуза Тоштемировна**  
Тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Бобомуратов Турдикул Акрамович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Шарипова Олия Аскаровна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги рақамли Илмий кенгаш DSc.06/2025.27.12.Tib.17.01 асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2026 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140100, Самарқанд ш., М.Улуғбек кўчаси, 70А-уй, СамДТУ Ихтисослашган болалар хирургик клиникаси, Тел./факс: +99866-233-58-92, +99866233-70-03; e-mail: shodikulovagulandom@mail.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси 18. Тел./факс: +99866-233-30-34.

Диссертация автореферати 2026 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да куни тарқатилди.  
(2026йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.М. Шамсиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Г.З. Шодикулова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ж.О. Атакулов**

Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг автореферати)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ҳозирги кунда рационал антибиотик терапия юқумли-яллиғланиш касалликларини даволашнинг асосий усули ҳисобланади. Педиатрия амалиётида антибиотикларни буюриш частотаси катталарга қараганда уч барабар юқори, бу эса ножўя таъсирлар хавфини оширади. Болаларда антибактериал дориларни асоссиз қўллаш (25–97% гача ҳолатларда) антибиотикларга чидамли штаммларнинг шаклланиши ва асоратларнинг ривожланиши, жумладан, аллергия реакциялар ва антибиотиклар билан боғлиқ диарея (АБД) ривожланишига олиб келади. Антибиотиклар таъсирида ичак микробиоценозининг бузилиши турли хил клиник ҳолатлар – энгил диареядан тортиб псевдомембраноз колитгача намоён бўлади. ЖССТ таърифига кўра, АБД – бу бошқа сабаблар билан боғлиқ бўлмаган диарея бўлиб, антибиотик терапияси пайтида ёки у тугагандан кейин 8 ҳафта ичида камида 2 кун кетма-кет  $\geq 3$  марта суюқ нажас келишидир. АБД учраши «...5 дан 39% оралиғида бўлиб, ёш ва унга ёндош омилларга боғлиқ. Болаларда ташхислаш мезонлари ва ёш гуруҳларининг ранг-баранглиги туфайли унинг тарқалиши 6–70% га етади...»<sup>1</sup>. Айти пайтда АБДда касаллик клиник манзарасининг ўзига хослиги, гомеостаз, гемодинамика ва сув-электролитлар мувозанатининг бузилишини ўз вақтида ташхислаш ва даволаш касалликнинг прогнозини белгилаб, оғир ва такрор кечиш хавфини камайтиради, бу эса замонавий педиатрияда ечими топилиши зарур бўлган муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида антибиотиклар билан боғлиқ диарея ривожланиш омиллари ва механизмлари, унинг этиологиясини ўрганиш, шунингдек, ўз вақтида ташхислаш ва самарали даволаш усуллари ишлаб чиқиш масалаларига қаратилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада АБД билан оғриган эрта ёшдаги болалар орасида унинг ривожланиши учун хавф омилларини аниқлаш, касалликнинг клиник-лаборатория хусусиятларини белгилаш ва кейинчалик клиник шаклларни стратификация қилишга, терапевтик стратегияни танлашни оптималлаштиришга аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими олдига аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш ҳамда жаҳон андозаларига мослаштириш, жумладан аҳоли саломатлигини сақлаш, уларда учрайдиган касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган қатор вазифалар юклатилган. Айнан соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича «мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш ва самарали

---

<sup>1</sup> Пахомовская Н.Л., Татьяна О.Ф., Лазарева Т.Ю., Подходы к профилактике антибиотик-ассоциированной диареи у детей., Ж., Мед.совет., 2021:(17)283-292ст.

ташхислаш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чикган ҳолда, эрта ёшдаги болаларда антибиотик терапиянинг энг кенг тарқалган асоратларидан бири бўлмиш АБД муаммосининг хавф омилларини таҳлил қилиш, клиник-лаборатор кечиш хусусиятларини аниқлаш, даво усулларини такомиллаштириш орқали АБД натижасида юзага келадиган асоратларни камайтириш ва ҳаёт сифатини ошириш имконини беради.

Ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада Ўзбекистон Республикасининг меъёрий ҳужжатларида, хусусан: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 12-ноябрдаги ПФ-144-сонли «Аҳолининг санитария-эпидемиологик фаровонлигини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони; Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022-йил 18-майдаги 515-сонли «Антибактериал дорилардан оқилона фойдаланиш ва микробларга қаршилиқнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги буйруғи; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сонли «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026-йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси тўғрисида»ги қарори; шунингдек, ушбу фаолият соҳасига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мақсадларига эришишга хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI "Тиббиёт ва фармакология" устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Замонавий педиатрия эришган муайян ютуқларга қарамай, эрта ёшдаги болаларда антибиотиклар билан боғлиқ диарея муаммоси ҳам халқаро миқёсда, ҳам мамлакатимизда долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. ЖССТ маълумотларига кўра, диарея касалликлари орасида АБДнинг тарқалиши 6% дан 40% ни ташкил этиб (Захарова И.Н., 2024), бу уни ўрганиш муҳимлигини тасдиқлайди. Халқаро адабиётларда антибиотик терапия ятроген асоратларнинг асосий сабабларидан бири сифатида талқин этилади: Қўшма Штатларда антибиотиклар билан боғлиқ барча асоратларнинг тахминан 20% уларни қўллаш билан боғлиқ бўлиб, уларнинг 80% гача қисмини аллергия реакциялар ташкил қилади.

Ҳозирда тиббий амалиётда, жумладан, педиатрияда антибиотиклар кенг ва кўпгина ҳолларда асосланмаган тарзда қўлланилмоқда. Халқаро маълумотларга кўра, 2 ёшгача бўлган болаларда асоратланмаган ўткир респираторли касалликлар учун антибиотикларларни нотўғри буюриш даражаси Франция ва Қўшма Штатларда тахминан 25%, Канадада – 38% гача, Данияда – 60% гача ва Хитойда – 97% гача (Березная И.В., Заиденварг Г.Е. 2021).

Ўзбекистонда бу кўрсаткич 3 ёшгача бўлган болалар орасида 93% га, 5 ёшдан катта болалар орасида 79% га ва ўртача 88% га етади.

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли «Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда ривожлантириш стратегияси тўғрисида»

Сўнги 10 йил ичида бутун дунё бўйлаб антибиотиклардан фойдаланиш 36% га ошди (Дроздов В.Н., Ших Э.В., 2023). Эпидемиологик кузатувларга кўра, АБД билан касалланиш беморлар орасида ўртача 5-30% ни (A Systematic Review and Meta-analysis. JAMA, 2012), антибиотик терапия олаётган болалар орасида, педиатрик популяцияда диагностика мезонлари ва ёш гуруҳларига қараб 6,2% дан 80% гачани (Алешина Э.И., ва бошқ., 2020) ташкил қилади. АБД кўпинча янги туғилган чақалоқларда ва 5 ёшгача бўлган болаларда учрайди, бу эса ичак микрофлорасининг шаклланиш хусусиятлари билан боғлиқ (Белмер С.В. ва бошқалар, 2018). АБД ривожланиши асосида ичак дисбиози, симбиотик микроорганизмлар сонининг камайиши ва патоген флоранинг, асосан *Cl.difficile* нинг кўпайиши ётади (Ермооленко К.Д., 2020; Ярушина Й.Н. 2019). *Staphylococcus aureus*, *Cl.perfringens*, *Klebsiella oxytoca* ва *Candida spp.* каби шартли патоген микроорганизмлар ҳам АБД кўзгатувчилари қаторига киради, аммо айнан *Cl.difficile* энг оғир асоратлар билан боғлиқ (Лиознов Д.А., Гусев Д.А. 2024). Таъкидлаш керакки, клиник амалиётда асоссиз (иррационал) антибиотикларни буюриш ҳолатлари сақланиб қолмоқда, бу эса микробиотада антимиқроб қаршилиқнинг ривожланишига хизмат қилади ва асоратлар, жумладан, АБД хавфини оширади, бу эса эрта ёшдаги болалар орасида муаммонинг янада долзарблигини кўрсатади. Бунда клиник ва эпидемиологик маълумотлар чекланган, замонавий лаборатория маркерларидан ва хавфни стратификация қилиш тизимларидан фойдаланиш амалда етарлича қўлланаётгани йўқ.

Ҳозирги кунда маҳаллий адабиётларда Ўзбекистон шароитида эрта ёшдаги болаларда АБД хавф омиллари, клиник-лаборатор хусусиятлари ва даволаш тактикаси ҳақида маълумотлар етарли эмас. Шу тариқа, хавф омилларини аниқлаш, АБД клиник-лаборатор хусусиятларини ўрганиш, оғирликни баҳолашнинг модификацияланган шкаласини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда эрта ёшдаги болаларда даволаш ва диагностика стратегияларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказиш ўз вақтида ва илмий жиҳатдан асосланганлигини кўрсатади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган ташкилотнинг илмий режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Самарқанд давлат тиббиёт университетининг тадқиқот режасига мувофиқ, 01980006703 -сонли “Минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда оналар ва болалар саломатлигини ҳимоя қилишга қаратилган касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш” (2020-2022) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** эрта ёшдаги болаларда антибиотиклар билан боғлиқ диареянинг хавф омилларини аниқлаш, клиник-лаборатор хусусиятларини ўрганиш орқали даволаш ва рецедивларни олдини олиш чораларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

эрта ёшдаги болаларда антибиотиклар билан боғлиқ диарея ривожланишининг хавф омилларини аниқлаш;

эрта ёшдаги болаларда АБДнинг клиник ва лаборатор параметрларини таҳлил қилиш, микрофлора билан боғлиқ ва функционал-метаболик шаклларни фарқлаш ва нажасда калпротектинининг диагностик қийматини аниқлаш;

антибиотиклар билан боғлиқ диареянинг оғирлигини баҳолаш учун модификацияланган прогностик шкала ишлаб чиқиш;

эрта ёшдаги болаларда АБДни даволаш ва иккиламчи профилактикасида лактоферрин ва пробиотикларнинг самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг обекти** сифатида Самарқанд вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида (бош шифокор М.Қ.Азизов) антибиотик қабул қилгандан сўнг ривожланган диарея билан мурожаат қилган 120 нафар эрта ёшдаги болалар олинган. Ушбу тадқиқот Самарқанд давлат тиббиёт университетининг Болалар касалликлари пропедевтикаси кафедра базасида (кафедра мудир: тиббиёт фанлари доктори, доц. Д.Т. Раббимова) бажарилган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни умумклиник, биокимёвий, бактериологик ва молекуляр-биологик текшириш учун олинган беморларнинг веноз қони, зардоби ва нажаси ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, лаборатор (нажас калпротектин, *Cl.difficile* ва унинг токсинлари), бактериологик, инструментал маълумотлар ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

эрта ёшдаги болаларда антибиотик билан боғлиқ диарея ривожланишининг энг муҳим хавф омиллари камқонлик *Cl.difficile*-ассоцияланган ҳолатларда 77,4%, ҳаётнинг илк ойларида эрта сунъий озиклантириш ҳамда қўшимча омиллар (оқсил энергетик етишмовчилик (23,5%), рахит (18,6%), тез-тез учрайдиган ЎРК (41,2%) ва 12 ойгача бўлган ёш) аниқланган;

эрта ёшдаги болаларда антибиотик билан боғлиқ диарея микрофлора билан боғлиқ шаклида, айниқса *Cl.difficile* учраганда, касаллик оғир кечиши ва ушбу беморларда фекал кальпротектин даражаси юқори бўлиши (>250 мкг/г–81,6%) исботланган;

болаларда антибиотик билан боғлиқ диареяларни оғирлик даражасини баҳолаш учун клиник-лаборатор мезонлар (бактерологик, ПЦР, фекал кальпротектин даражаси) асосида стратификация қилиш имконини берадиган шкала ишлаб чиқилган ва унинг самарадорлиги исботланган;

эрта ёшдаги болаларда антибиотик билан боғлиқ диареяни комплекс даволаш усулига лактоферрин моддасини қўшимча қўллаш орқали даво самарадорлиги ишонарли даражада ошиши илмий жиҳатдан асослаган ҳамда диарея давомийлиги 4,6 кундан 3,1 кунгача қисқариши, фекал кальпротектин даражасини 310 дан 190 мкг/г гача пасайиши ва рецидивлар сони 25% дан 6,6% гача камайиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

АБД ривожланишининг ишончли клиник-анамнестик башорат қилувчи омиллари аниқланган, бу антибиотик терапиясини буюриш ва энг заиф

тоифадаги беморларда профилактика чораларини амалга ошириш босқичларида шахсийлаштирилган хавфни баҳолаш имконини берган;

АБДнинг турли шаклларида нажасли калпротектиннинг юқори диагностик ва прогностик аҳамияти аниқланган, бу эса инвазив бўлмаган диагностика имкониятларини кенгайтириш ва даволашнинг клиник самарадорлигини оширган;

эрта ёшдаги болаларда антибиотиклар билан боғлиқ диареянинг оғирлигини баҳолаш учун модификацияланган шкала ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган;

АБД ни комплекс даволашга лактоферринни киритишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган ва клиник натижаларнинг яхшиланиши ва анъанавий пробиотикларга нисбатан тикланиш даврининг қисқаришига олиб келиши исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашувлар, усуллар ва олиб борилган кузатувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли даражада танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник-лаборатор, инструментал, функционал, гормонал ва статистик тадқиқот усуллари асосида қин ва бачадон аплазияси кузатилган беморларда патологияни эрта ташхислаш ва прогностлашга қаратилган чоратадбирларнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти эрта ёшдаги болаларда антибиотиклар билан боғлиқ диарея ривожланишининг ишончли клиник-анамнестик хавф омилларини аниқлаш, ичак яллиғланиши ва АБД оғирлигининг инвазив бўлмаган маркерлари сифатида нажасли калпротектин ва С-реактив оқсилдан фойдаланиш, касалхона шароитларига мослаштирилган оғирликни баҳолашнинг модификацияланган шкаласи ишлаб чиқиш ва лактоферрин ҳамда пробиотиклардан фойдаланган ҳолда даволашнинг юқори самарадорлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эрта ёшдаги болаларда антибиотиклар билан боғлиқ диареяни аниқлаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган клиник-лаборатор тадқиқотларининг методологик жиҳатдан асосли ўтказиш, терапия ҳажмини асосли равишда танлаш орқали юзага келиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олиш ва болаларнинг ҳаёт сифатини сезиларли даражада яхшиланиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорийланиши.** Эрта ёшдаги болаларда антибиотикка боғлиқ диареяларни хавф омилларини аниқлаш, клиник-лаборатор кечиш хусусиятларини ўрганиш, даволаш ва профилактик чораларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: эрта ёшдаги болаларда антибиотик билан боғлиқ диарея ривожланишининг энг муҳим хавф омиллари камқонлик, ҳаётнинг илк

ойларида эрта сунъий озиклантириш ҳамда кўшимча омиллар (оқсил энергетик етишмовчилик, рахит, тез-тез учрайдиган ЎРК ва 12 ойгача бўлган ёш) аниқланган ва бу бўйича тавсиялар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2025-йил 26-февралдаги №7-сон Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган “Эрта ёшдаги болаларда антибиотик билан боғлиқ диареяларнинг клиникаси ва диагностикаси” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Бу таклифлар амалиётга 2025-йил 8-сентябрдаги №123-сонли буйруқ билан Навоий вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида ва 2025-йил 22-сентябрдаги №226-т-сонли буйруқ билан Қашқадарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025-йил 02-декабрдаги 30/14-сонли хулосасига кўра). Ижтимоий самарадорлиги: эрта ёшдаги болаларда антибиотик билан боғлиқ диареяларнинг ривожланишида хавф омилларини аниқланганлиги, ушбу касалликни антибиотик терапия қўлланилишида қатъий кўрсатмани талаб этади ва эрта ташхислаш имконини беради. Иқтисодий самарадорлик: антибиотикка боғлиқ диареяларни ташхислаш алгоритмининг такомиллаштирилиши орқали ҳар бир бемор учун дори воситаларини ўртача 1 кунлик қабул қилиш харажатларини 245 минг сўм тежаш имконини беради.

иккинчи илмий янгилик: эрта ёшдаги болаларда антибиотик билан боғлиқ диарея микрофлора билан боғлиқ шаклида, айниқса *Cl.difficile* учраганда, касаллик оғир кечиши ва ушбу беморларда фекал кальпротектин даражаси юқори бўлиши (>250 мкг/г–81,6%) исботланган ва бу бўйича тавсиялар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2025-йил 26-февралдаги №7-сон Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган “Эрта ёшдаги болаларда антибиотик билан боғлиқ диареяларнинг клиникаси ва диагностикаси” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Бу таклифлар амалиётга 2025-йил 8-сентябрдаги №123-сонли буйруқ билан Навоий вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида ва 2025-йил 22-сентябрдаги №226-т сонли буйруқ билан Қашқадарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025-йил 02-декабрдаги 30/14-сонли хулосасига кўра). Ижтимоий самарадорлиги: антибиотикка боғлиқ диареяларни клиник-лаборатор кечиш хусусиятларига кўра шаклларга ажратиш касалликни эрта ва тўғри ташхислашга ёрдам беради, бу орқали ўз вақтида даво чораларини қўллашда индивидуал ёндошувига имкон бериб касалликни оғир кечишини олдини олади. Иқтисодий самарадорлиги: ишлаб чиқилган ёндашув асосида беморларни эрта ва аниқ ташхислаш, асосиз антибиотиклар ва ортикча дори воситаларини қўллашни камайишига, даволаш жараёнини оптималлаштиришга ва стационар ресурсларидан самарали фойдаланишга олиб келди, яъний дифференциал диагностика алгоритми клиник стратификациянинг аниқлигини ошириб, ташхис қўйиш муддатини  $2,3 \pm 1,2$  кунга қисқартиришга имкон беради.

учинчи илмий янгилик: болаларда антибиотик билан боғлиқ диареяларни оғирлик даражасини баҳолаш учун клиник-лаборатор мезонлар (бактерологик,

ПЦР, фекал кальпротектин даражаси) асосида стратификация қилиш имконини берадиган шкала ишлаб чиқилган ва унинг самарадорлиги исботланган ва бу бўйича тавсиялар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2025-йил 26-февралдаги №7-сон Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган “Эрта ёшдаги болаларда антибиотик билан боғлиқ диареяларнинг клиникаси ва диагностикаси” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Бу таклифлар амалиётга 2025-йил 8-сентябрдаги №123-сонли буйруқ билан Навоий вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида ва 2025-йил 22-сентябрдаги №226-т сонли буйруқ билан Қашқадарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида жорий этилган(Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025-йил 02-декабрдаги 30/14-сонли хулосасига кўра). Ижтимоий самарадорлиги: юқори самарадорликга эга диагностик текширув усули касалликнинг оғир ривожланишини эрта аниқлаш имконини беради ва касаллик авж олишига сабаб бўладиган оғир асоратлар билан боғлиқ стационар муолажаларга бўлган эҳтиёжни камайтиради. Иқтисодий самарадорлиги: эрта ёшдаги болаларда антибиотик билан боғлиқ диареяларни кўшимча ташхислаш усулларига эҳтиёжни камайтиришга асосланган, бунинг натижасида бюджет маблағлари тежалган.

тўртинчи илмий янгилик: эрта ёшдаги болаларда антибиотик билан боғлиқ диареяни комплекс даволаш усулига лактоферрин моддасини кўшимча қўллаш орқали даво самарадорлиги ишонарли даражада ошиши илмий жиҳатдан асослаган ҳамда диарея давомийлиги 4,6кундан 3,1кунгача қисқариши, фекал кальпротектин даражасини 310дан 190мкг/г гача пасайиши ва рецидивлар сони 25%дан 6,6%гача камайиши аниқланган ва бу бўйича тавсиялар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2025-йил 26-февралдаги №7-сон Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган “Эрта ёшдаги болаларда антибиотик билан боғлиқ диареяларнинг клиникаси ва диагностикаси” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Бу таклифлар амалиётга 2025-йил 8-сентябрдаги №123-сонли буйруқ билан Навоий вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида ва 2025-йил 22-сентябрдаги №226-т сонли буйруқ билан Қашқадарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида амалиётга жорий этилган(Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025-йил 02-декабрдаги 30/14-сонли хулосасига кўра). Ижтимоий самарадорлиги: антибиотик билан боғлиқ диареяларни даволашда пробиотиклар билан биргаликда лактоферринни қўллаш диарея ва унинг асоратлари частотасини ҳамда госпитализацияга бўлган ихтиёжини камайиши, соғлиқни сақлаш ташкилоти ва бемор оиласининг харажатларини камайиши, шунингдек беморларни ҳаёт сифатини яхшиланиши ва уларнинг ижтимоий реабилитациясини тезлашиши билан белгиланади. Иқтисодий самарадорлиги: бу беморларнинг шифохонага стационар даволанишлар сони ва ётоқ кунлари қисқариш имконини беради яъний ўртача қиймати 21,4%-бюджет маблағларининг сарфи камайтирилади бу эса стационар даво кунини қисқариши ҳисобига эришилади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий конференция, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан, 6 та мақола, улардан 4 таси республика ва 2 таси халқаро журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 115 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари шакллантирилган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети баён қилинган. Унда тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида илмий ва технологик ривожланишнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ҳамда амалиётга жорий этилиши, синовдан ўтказилиши ва нашр этилиши, шунингдек, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши очиқ берилди.

**Диссертациянинг “Антибиотиклар билан боғлиқ диарея: замонавий муаммо. Болаларда антибиотиклар билан боғлиқ диареянинг хавф омиллари, сабаблари ва клиник хусусиятлари”** деб номланган биринчи бобида ушбу мавзу бўйича маҳаллий ва халқаро илмий адабиётларнинг таҳлилий шарҳи келтирилган. Бобда антибиотиклар билан боғлиқ диареянинг хавф омиллари ва сабаблари, унинг ривожланиш патогенетик механизмлари, таснифи, клиник хусусиятлари ва стандарт диагностика ва терапевтик мезонлари батафсил кўриб чиқилган. Адабиётлар таҳлили асосида чуқурроқ ўрганишни талаб қиладиган бир қатор масалалар аниқланди, бу муаммонинг долзарблигини кўрсатиб, ушбу мавзу бўйича кейинги тадқиқотлар зарурлигини асослайди.


Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда фойдаланилган маълумотлар, жумладан, клиник материалнинг умумий тавсифи ҳамда лаборатор ва инструментал тадқиқот усуллари келтирилган.

Тадқиқотга 1 ойликдан 3 ёшгача бўлган 160 бола иштирок этди. АБД ташхиси анамнестик маълумотлар (охирги 2-8 ҳафта давомида антибиотик терапиясини қўлланилиши), характерли клиник манзара (қунига камида 3 марта суяқ ёки сувли нажас), клиник ва лаборатор текшириш усуллари асосида қўйилди. Диагностик мезонлар ESPGHAN тавсияларига (2020) мос келган. АБД оғирлигининг прогнозини баҳолаш учун эрта ёшдаги болалар учун модификацияланган клиник ва лаборатор белгиларга асосланган балл шкаласи (Miller M.A., Gravel D., Mulvey M., et al.) қўлланилди.

**Киритиш мезонлари:** тадқиқотда иштирок этишга анамнез маълумотларига кўра (антибиотик олган вақтда, ёки сўнгги 2–4 ҳафта ичида антибиотик терапия қабул қилганлиги), ўзига хос клиник кўринишларга (кунига камида 3 мартадан ортиқ суюқ ёки сувга ўхшаш нажас), лаборатор текширув усуллари натижалари.

**Чиқариш мезонлари:** тадқиқот натижаларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган туғма ошқозон-ичак тизими патологияси, оғир ҳамроҳ соматик касалликлари, вирусли ёки паразитар ҳамда ўткир ичак инфекциялари.

Антибиотикка боғлиқ диарея ривожланиши ҳам гастроэнтерологик патологияси бўлган болаларда, ҳам пульмонологик профилдаги беморларда кузатилди. Бу ҳолат асосий касаллик туридан қатъи назар, унинг антибиотик терапия билан боғлиқлигини тасдиқлайди (1-расм).



*1-расм. АБД ривожланган болаларнинг асосий нозологиялари бўйича тақсимланиши.*

Нажас микробиологик текширув натижаларига кўра, беморлар иккита асосий гуруҳга бўлинган:

АБДнинг микрофлора билан боғлиқ шакли: нажасда (аэроб) шартли патоген микрофлоранинг ва (анаэроб) *Cl.difficile*нинг борлиги тасдиқланган — n=85 (53,1%) нафар бола бўлиб жумладан:

1-кичик гуруҳ: *Cl.difficile*-билан боғлиқ АБД—n=62(72,9%) нафар бола;

2-кичик гуруҳ: шартли патоген микрофлора (ШПФ) ўсиши билан боғлиқ АБД — n=23 (27,4%) нафар бола.

Функционал бузилиш билан кечувчи АБД функционал-метаболик шакли: АБДга хос клиник манзара мавжуд, аммо нажасда патогенлар аниқланмаган — n=35 (21,9%) нафар бола.

Назорат гуруҳи: антибиотик терапия олган, лекин диарея кузатилмаган — n=40 (25%) нафар болани текшириш ва даволаш натижаларини таҳлил қилишга асосланган.

Антибиотик билан боғлиқ диарея билан оғриган болаларни текшириш мажмуида нажасда калпротектин миқдорини аниқлаш киради. Бу

иммунофермент таҳлил (ИФТ) усулида, ишлаб чиқарувчи кўрсатмаларига мувофиқ стандарт тижорат тест тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган. Барча беморларнинг нажасида *Cl.difficile*нинг мавжудлиги текширилди, бунда унинг А ва В токсин генларини (тсдА/тсдВ) аниқлаш учун реал вақт режимидаги ПЗР қўлланилди.

Нажасни копрологик текшириш макроскопик ва микроскопик параметрларни баҳолаган ҳолда умумклиник копроскопик усул ёрдамида амалга оширилди. Нажасни бактериологик текшириш материални озукавий ва селектив муҳитда ўстириш, сўнгра ажратилган оппортунистик микрофлорани аниқлаш орқали культурал усул ёрдамида амалга оширилди.

Тадқиқот натижалари STATISTICA for Windows дастурий таъминот пакети (7-версия, StatSoft, Inc.) ёрдамида статистик қайта ишланди. Қайта ишланган маълумотлар жадваллар, графиклар ва диаграммаларда кўрсатилган.

**“Ерта ёшдаги болаларда антибиотиклар билан боғлиқ диарея хавф омиллари”** деб номланган учинчи боб ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда эрта ёшдаги болаларда антибиотиклар билан боғлиқ диарея хавф омилларини ўрганишга бағишланган. Туғруқ усули, озиклантириш тури ва камқонлик мавжудлигининг АБД ривожланиш эҳтимолига таъсири таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, кесар-кесиш йўли билан туғилган болаларда АБД ривожланиш эҳтимолини назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада оширади (2-расм). Шу тариқа, микрофлора билан боғлиқ АБД бўлган болалар орасида кесар-кесиш билан яқунланган туғруқлар 31,7% ҳолатни ташкил этган бўлса, назорат гуруҳида — атиги 10% ( $\chi^2 = 4,44$ ;  $p = 0,035$ ). Имкониятлар нисбати (OR) ҳисоб-китоблари кесар-кесиш микрофлора билан боғлиқ АБД ривожланиш хавфини 4,19 марта оширишини кўрсатди (95% ишонч оралиғи: 0,84–20,93), бу статистик жиҳатдан аҳамиятли боғлиқликни кўрсатади (2-расм).



**2-расм.** Эрта ёшдаги болаларда АБДлар ривожланишида туғруқ усулининг аҳамияти

АБДни ривожланишида хавф омил сифатида озиклантиришнинг тури ўрганилганда АБД ривожланишида алоҳида аҳамиятига эга эканлиги аниқланди. Гуруҳлар орасида фарқлар ўрганилганда статистик аҳамиятлар фарқ қилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, она сути билан озиклантириш микрофлора билан боғлиқ АБД ривожланиш хавфини сезиларли даражада камайтирди ( $\chi^2 = 41.84$ ,  $p < 0.001$ ;  $RR = 0.12$ ; 95%  $CI$ : 0.06–0.24). Сунъий озиклантириш АБД билан касалланган болаларда кўпроқ учрайди (назорат гуруҳида 34.1% ва 20%), аммо статистик аҳамияти чекланган эди ( $\chi^2=3.44$ ;  $p=0.064$ ). Аралаш озиклантириш АБД хавфининг ошиши билан боғлиқ эди ( $\chi^2 = 12.22$ ;  $p < 0.001$ ;  $RR = 5.65$ ; 95%  $CI$ : 1.50–21.31) ушбу гуруҳ болаларининг кўпчилигида сунъий қўшимча озуқа эрта, кўпинча туғруқхонадаёқ, ҳаётнинг илк кунларидан жорий этилгани аниқланди (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Озиклантириш тури ва микрофлора билан боғлиқ АБД ривожланиши ўртасидаги боғлиқлик

Озиклантириш тури	МББ АБД (n=85)	Назорат гуруҳ (n=40)	$\chi^2$	p	RR	95% CI
Она сути билан озиклантириш	8(9,4%)	25(62,5%)	41.84	0.0004***	0.12	0.06–0.24
Сунъий озиклантириш	29(34,1%)	8(20%)	3.44	0.0636	3.41	0.89–13.13
Аралаш озиклантириш	48(56,5%)	7(17,5%)	12.22	0.0005****	5.65	1.50–21.31

*Изоҳ:* \* - назорат гуруҳига нисбатан ишончлилик  $p < 0,0004***$ ,  $p < 0,0005****$ .

Камқонликнинг АБД хавфига таъсирини баҳолаш учун антибиотик терапия олаётган болаларда қиёсий таҳлил ўтказилди (2-жадвал).

### 2-жадвал.

#### Камқонлик ва антибиотик билан боғлиқ диарея ривожланиши хавфи

Камқонликни борлиги	АБД гуруҳи (n=120)	Назорат гуруҳ (n=40)	Солиштира таҳлил
Камқонлик (II–III даража)	93 (76,9 %)	17 (40 %)	OR = 4,8; 95% $p < 0,001^*$ CI: 1,86–12,39
Камқонлик йўқ	27 (23,1 %)	23 (60 %)	OR = 5,8; 95% $p < 0,001^{**}$ CI: 1,91–13,02

*Изоҳ:*–назорат гуруҳига нисбатан ишончлилик  $p < 0,001^{**}$  –АБД гуруҳига нисбатан ишончлилик  $p < 0,001^{**}$ .

II–III даражали камқонликнинг мавжудлиги АБД ривожланиш хавфини деярли беш баравар ошириш билан боғлиқ бўлди (OR = 4.8; 95% CI: 1.86–12.39;  $p < 0.01$ ). Камқонлик энг кўп *Cl.difficile* билан боғлиқ диарея билан оғриган беморларда аниқланди(77.4%), бу статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ ( $\chi^2 = 18.645$ ;  $p < 0.0001$ ). Бошқа оппортунистик патогенлар бўлган гуруҳда камқонлик болаларнинг 34.8 фоизида кузатилди ва статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас эди ( $p=0.144$ ).


Изчил антибиотик тартибларини қўллаш, хусусан, амоксициллиндан цефалоспоринларга ўтиш, *Cl.difficile* оқибатидаги инфекциясининг кўп

учраши билан боғлиқ эди ( $OR = 2.84$ ;  $p = 0.035$ ). Таъкидлаш керакки, ушбу режим кўп ҳолларда кескинлашувчи характер касб этиб, дастлабки терапия самарасиз бўлганда қўлланилган, бу эса асосий касалликнинг оғирроқ кечишини ва узоқроқ ёки кенгроқ антибиотик терапия зарурлигини акс эттириши мумкин.

Шунга ўхшаш ҳолат шартли-патоген микрофлорани таҳлил қилишда ҳам аниқланди: цефалоспоринларга ўтиш орқали изчил терапия олаётган беморларда унинг пайдо бўлиши назорат гуруҳига нисбатан анча юқори эди ( $OR=2.93$ ;  $p=0.045$ ). Олинган маълумотлар антибиотик терапия спектрининг кенгайиши ва унинг давомийлигининг ошиши туфайли ичак микробиоценознинг сезиларли даражада бузилишини кўрсатиши мумкин.

Шу билан бирга, аминогликозидлар ва кейинчалик цефалоспоринлар қўлланиладиган даволаш схемаларидан фойдаланганда, кластридиал инфекциялар пайдо бўлишининг камайиши тенденцияси кузатилди ( $OR = 0.28$ ;  $p=0.057$ ), бу аминогликозидларнинг анаэроб ичак микрофлорасига камроқ таъсири билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бироқ, бу фарқлар статистик аҳамиятга эга бўлмади ва қўшимча тадқиқотларни талаб қилади.

Функционал-метаболик касалликларга чалинган беморлар гуруҳида олинган натижалар алоҳида эътиборга лойиқдир. Ушбу кичик гуруҳда макролидларни (амоксициллин → макролид) ўз ичига олган изчил схемадан фойдаланиш антибиотик билан боғлиқ диареянинг юқори даражаси билан боғлиқ бўлган ( $OR=8,75$ ;  $p=0,004$ ). Макролидларнинг ошқозон-ичак ҳаракатига таъсири, шунингдек, уларнинг ичак микробиотасининг таркибига таъсири эҳтимолий механизм бўлиши мумкин (3-расм).



**3-расм.** Эрта ёшдаги болаларда антибиотик билан боғлиқ диарея ривожланишига антибиотик турининг таъсири

Амоксициллин ёки цефалоспорин монотерапиясини қабул қилган беморлар гуруҳларида антибиотиклар билан боғлиқ диарея ёки микробиоценоз бузилишларининг частотасида сезиларли фарқлар

кузатилмади, бу эса ушбу схемаларнинг камроқ сезиларли таъсирини ва терапияни кучайтиришга эҳтиёж йўқлигини кўрсатиши мумкин.

Шундай қилиб, бу натижалар шуни кўрсатадики, антибиотик терапиянинг кучайиши, дори фаоллигининг кенгроқ спектри ва фойдаланиш давомийлигининг ошиши билан бирга, ичак микробиоценози бузилишлари ва эрта ёшдаги болаларда антибиотиклар билан боғлиқ диарея ривожланиши хавфининг ортиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу потенциал хавфларни ҳисобга олган ҳолда антибиотик терапияни танлашда оқилона ва далилларга асосланган ёндашув зарурлигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларига кўра аниқландики, қисқа муддатли антибиотик терапияда (5 кунгача) юқумли бўлмаган АБД кўпроқ учрайди (54,3%), шу билан фарқлар статистик жиҳатдан сезиларли бўлган ( $\chi^2=17,232$ ;  $p=0,001$ ;  $OR=6,993$ ; 95% CI: 2,650–18,454). Бу натижалар микробиоценоз ва ошқозон-ичак ҳаракатининг дастлабки ўзгаришлари билан боғлиқ функционал ичак бузилишларининг юқорилигини кўрсатиши мумкин.

Шу билан бирга, нисбатан узок антибактериал терапия (5–10 кун) *Cl.difficile* билан боғлиқ диарея ҳолатларининг кўпайиши билан боғлиқ бўлган (77,4% ва 40,0%;  $\chi^2=13,582$ ;  $p=0,001$ ;  $OR=5,143$ ; 95% CI: 2,089–12,662). Олинган натижалар антибиотикларнинг ичак микробиотасига бўлган тўпловчилик таъсирини акс эттириши мумкин, бу эса нормал флорани бостиришга ёрдам беради ва *Cl.difficile* колонизацияси учун қулай шароит яратади.

Шу тариқа, антибиотик терапиясининг давомийлиги антибиотик билан боғлиқ диарея табиати билан боғлиқ омиллардан бири сифатида қаралиши мумкин: қисқа курслар билан юқумли бўлмаган шакллар кўпроқ кузатилади, антибиотиклардан узокроқ фойдаланганда эса *Cl.difficile* ривожланиш эҳтимоли ортади.

Диссертациянинг **“Ерта ёшдаги болаларда антибиотиклар билан боғлиқ диареянинг клиник ва лаборатория хусусиятлари”** деб номланган тўртинчи бобида ёш болаларда антибиотиклар билан боғлиқ диарея клиник кўринишларини таҳлил қилиш натижалари, шунингдек, биокимёвий, копрологик, бактериологик ва молекуляр биологик тадқиқотлар маълумотлари, жумладан, нажас калпротектинини ИФТ ёрдамида аниқлаш ва *Cl.difficile* ва унинг токсинларини ПЗР ёрдамида аниқлаш келтирилган.

Ерта ёшдаги болаларда ошқозон-ичак тракти ва иммун тизимининг морфофункционал ривожланмаганлиги фонида ривожланадиган АБД клиник жиҳатдан турли хиллик билан тавсифланиб, дифференциал диагностика ёндашувини талаб этади.

Беморлар иккита асосий гуруҳга бўлинган: юқумли АБД (*Cl.difficile* билан боғлиқ ва шартли-патоген флора келтириб чиқарадиган АБД га бўлинган); ва юқумсиз (функционал-метаболик) АБД.

Қиёсий таҳлил шуни кўрсатдики, клиник манзара касалликнинг этиологик вариантыга боғлиқ. *Cl.difficile* билан боғлиқ АБД билан оғриган беморларда қорин дам бўлиши (82,3%), иштаҳанинг пасайиши (67,7%), қорин оғриши (53,2%) ва безовталиқ (51,6%) сезиларли даражада юқори бўлган. Гуруҳлар

орасидаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлган: қорин оғриши ( $\chi^2=7.07$ ;  $p=0.029$ ), қорин дам бўлиши ( $\chi^2=22.04$ ;  $p<0.001$ ), иштаҳасизлик ( $\chi^2=19.18$ ;  $p<0.001$ ) ва безовталиқ ( $\chi^2=11.12$ ;  $p=0.004$ ) (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Эрта ёшдаги болаларда АБД турли генези бўйича клиник симптомларнинг учраш частотаси

Симптом	СI+ (n=62)	Шартли патоген флора (n=23)	Функционал-метаболик (n=35)	$\chi^2$	p-кўрсаткич
Қоринда оғриқ	33(53,2%)	7(30,4%)	10(28,6%)	7.071	0.029
Қорин дам бўлиши	51(82,3%)	11(47,8%)	13(21%)	22.042	0.001***
Иштаҳанинг пасайиши	42(67,7%)	9(39,1%)	8(22,8%)	19.18	0.001**
Безовталиқ	32(51,6%)	6(26,1%)	7(20%)	11.12	0.004*

*Изоҳ:* СI+ ва ноинфекцион гуруҳлари ўртасидаги статистик ишончлилик;  $p<0.001$ \*\*\*,  $p<0.001$ \*\* ,  $p<0.004$ \*.

АБДнинг функционал-метаболик шаклида клиник аломатлар камроқ аниқланди ва кўпинча сувсизланиш белгилари билан чекланди (қуруқ тери – 42.8%). Шундай қилиб, антибиотик терапияни олаётган болада кучли метеоризм, оғриқ ва иштаҳанинг пасайиши юқумли АБД, авваламбор СI.difficile инфекциясининг клиник белгиси деб баҳоланиши мумкин.

АБД намоён бўлиш муддатлари унинг этиологиясига қараб ўзгариши аниқланган: микрофлора билан боғлиқ шаклларда (айниқса СI.difficile), одатда антибиотик терапиядан 5-10 кун ўтгач; функционал-метаболик шаклида эса эрта (1-3 кун) содир бўлади.

Бу патогенездаги фарқларни акс эттиради: микрофлора билан боғлиқ АБДда суперинфекция ва функционал-метаболик шаклида дисбиотик-ферментатив касалликлар.

Копрологик текширув АБД шакллари ўртасидаги туб фарқларни аниқлади. Барча беморларда умумий хусусият шаклланмаган нажаснинг мавжудлиги эди (100%).

Копрологик параметрларнинг қиёсий таҳлили антибиотик билан боғлиқ диареянинг МБГ ва ФМГ шакллари ўртасидаги статистик жиҳатдан сезиларли фарқларни кўрсатди. Функционал-метаболик АБДга ферментатив етишмовчилик ва малабсорбция белгилари кўпроқ хослиги аниқланди: крахмалнинг мавжудлиги (45,7% ва 4,7%;  $p=0,001$ ), ҳазм бўлмаган озиқ-овқат қолдиқлари (42,9% ва 11,8%;  $p=0,001$ ) ва ўсимлик клетчаткаси (57,1% ва 24,7%;  $p=0,001$ ). Кристаллар ҳам кўпроқ аниқланди (94,3% ва 72,9%;  $p=0,009$ ), бу ичак транзитининг бузилиши ва рН муҳитининг ўзгаришини акс эттиради. Шу билан бирга, микрофлора билан боғлиқ АБД яллиғланиш компонентининг мавжудлиги билан характерланади, бу беморларнинг 100% ида нажасда лейкоцитлар аниқланганлиги билан тасдиқланади ( $p<0,001$ ). Олинган маълумотлар АБД шакллариининг патогенезидаги туб фарқларни кўрсатади ва

АБДнинг микрофлора билан боғлиқ ва функционал-метаболик шакллари ўртасида кўшимча дифференциал ташхислаш мезони сифатида қўлланиши мумкин.

